

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Қозогистон Республикаси мудофаа вазирини қабул қилди



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 август куни мамлакатимизда расмий ташриф билан бўлиб турган Қозогистон Республикаси мудофаа вазири Сакен Жасузоқовни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасида самарали ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётганини мамнуният билан таъкидлади.

Мунтазамлик касб этган олий даражадаги алоқалар туфайли барча йўналишларда ўзаро ҳамкорлик фаоллашаётгани қайд этилди.

Товар айирбошлиш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида йирик қўшма лойиҳалар амалга оширилмоқда, автомобиль, темир йўл ва авиация қатнови соҳасида амалий ҳамкорлик сезилари даражада кенгайиб, минтақалар ўртасида шериклик мустаҳкамланмоқда, Ўзбекистон ва Қозогистонда маданий-гуманитар тадбирлар ўтказилмоқда.



Ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорлик икки томонлама муносабатларнинг муҳим ва истиқболли йўналиши сифатида белгиланган. Хусусан, сухбат чоғида мамлакатларимиз мудофаа маҳкамалари ўртасида, жумладан, саноат кооперацияси ва ҳарбий кадрлар тайёрлаш соҳасида самарали ҳамкорлик қилиш масалалари кўриб чиқилди.

С.Жасузоқов Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга самимий қабул учун чуқур миннатдорлик билдириди ва Қозогистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг саломи ва эзгу тилакларини етказди.

Мехмон ҳарбий ва ҳарбий-техник соҳада мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтиришга Қозогистон тайёр ва бундан манфаатдор эканини таъкидлади.

ЎзА